КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 13 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 71 (10.628) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарёда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Минтақавий хавфсизликнинг долзарб муаммолари ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ташаббуслари» мавзуида йиғилиш ўтказилди. Тадбирда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризм, диний экстремизм, наркотрафикка қарши курашда халқаро ҳамкорлик, Марказий Осиёда ядродан ҳоли зона ташкил этиш борасида мамлакатимиз илгари сураётган ташаббуслар юзасидан маърузалар тингланди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича дастлабки миллий ҳисоботини эълон қилди. Ҳисобот БМТнинг тегишли агентликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан яқин ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан уюштирилган тақдимот маросимида таъкидланганидек, ҳисоботда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари Мингйиллик ривожланиш мақсадлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

● Тошкентда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси ва республика нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ассоциация кишилар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва амалий фаоллигини кўтариш, фуқаролик жамиятини қуриш каби мақсадларни амалга оширади.

● «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашида «Сехрли ёғду-2006» болалар кино-фото фестивали ғолиблари тақдирланди. Энг яхши фильм ва сурат ғолибларига Гран-при совғини ҳамда ташкилотчиларнинг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

● Марҳамат туманидаги электротехника заводи жорий йилнинг биринчи чорагида Россияга 53 миллион сўмлик маҳсулот экспорт қилди. Маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини оширишда Санкт-Петербург шаҳри тадбиркорлари киритган сармоя асқотмоқда. Заводда йил бошидан буён жами 115 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

● Бухоро шаҳридаги музейда қадимий соат ҳамда кўзгуларнинг доимий кўргазмаси очилди. Ундан XIX аср охири ва XX аср бошида Швеция, Франция, Польша, Туркия ва Россияда тайёрланиб, ҳукмдорлар, дипломат ва савдогарлар томонидан бухороликларга совға қилинган соатлар, Арк қалъаси ва Ситораи Моҳи Хосса ёзги хоналарини безаган қадимий кўзгулар ўрин олган.

● Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида ITF таснифига кирувчи теннис бўйича Фьючерс турнири бошланди. Унда дунёнинг ўн мамлакатидан келган 50 дан ортиқ катта ракетка устаси иштирок этмоқда.

● БМТнинг Тараққиёт дастурига мувофиқ, Оролбўйида аҳолини соф энергия билан таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳанинг иккинчи босқичи бошланди. Унга кўра Оролбўйидаги 21 та хонадонга қуёш нуридан электр энергияси ишлаб чиқарадиган фотоэлектр станцияси орқали соф электр энергияси етказиб берилади.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Аёллар ва ёшлар терроризмга қарши» мавзуида тадбир ўтказди.

ЖАҲОНДА

● Европа комиссияси, Франция ва Люксембург Италия чап марказчилар коалицияси етакчиси Романо Продини парламент сайловларида ғолиб чиққанлиги муносабати билан табриклашди. Еврокомиссия раиси Жозе Мануэл Баррозу Проди ўз фаолиятини умумевропа манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давом эттиришига ишонч билдирди.

● Канада ҳукумати коррупция билан кураш бўйича чора-тадбирларни кескинлаштириши бўйича ташаббусини эълон қилди. Таклиф этиладиган жавобгарлик тўғрисидаги Актга мувофиқ компания ва касаба уюшмаларига сиёсий кучлар манзилига хайрия ёрдамлари кўрсатиш тақиқланади, хусусий қўйилмалар миқдори эса кескин камайтирилади.

● Туркиянинг Истамбул шаҳри 2010 йилда Европанинг маданий маркази мақомига даъвогарлик қилмоқда. У Германиянинг Эссен ва Венгриянинг Печ шаҳарлари билан тенглашиш ниятида. Ғолиб бўлган шаҳар эса шу йилнинг иккинчи ярмида эълон қилинади. Шунингдек, ушбу шарафли ном учун Герлиц ва Киев шаҳарлари ҳам курашишган. Бироқ Европа маданият ва таълим кенгаши Эссен, Печ ва Истамбул учлигини рўйхатга киришини маъқул топган.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 14 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Соғлом миллатгина буюк ишларга қодир» мавзуида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатида ўқитувчилар, ўқувчилар иштирок этишди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги ҳарбий қисмда **БУГУН** «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деб номланди.

● **БУГУН** Яккасарой туман Ўқувчилар ижодиёт марказида «Камолот» ЁИҲ мактаб етакчилари иштирокида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши томонидан уюштирилган тадбирда етакчилик фаолиятини янада жонлантириш масалалари муҳокама этилди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги 289-мактабда Қизил Ярим Ой жамияти, «Адолат» социал-демократик партияси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида «Саломатликнинг ёш дўстлари» мавзуида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 273-мактабда мактаб ўқувчилари ўртасида «Энг зукко ёш истеъмолчи — 2006» деб номланган кўрик-танлов туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИҲ, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида туманнинг фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раисалари, маслаҳатчилар иштирокида уюштирилган тадбир маҳалла фуқаролар йиғини раиси,(оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги Усмон Носир маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида «Огоҳ бўлайлик» мавзуида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан давра суҳбати уюштирилди.

● **КЕЧА** Яккасарой туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган «Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш» мавзуидаги семинарда етакчилар Кенгаши аъзолари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.





2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БУГУНГИ КУНДА ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПМОҚДА.



Жорий йилнинг — Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши бу борадаги эзгу ишлар кўламини янада кенгайтирди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурига асосан мамлакатимизда янги, жаҳон андозалари даражасидаги тиббиёт муассасаларини барпо этиш, шифокорлар, ҳамширалар ва бошқа ходимлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтиш жоизки, оила ва унинг саломатлиги жамиятимиз учун бебаҳо бойликдир. Соғлом миллат — соғлом жамият демак. Шу боис мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилиб, кўплаб замонавий шифохона ва поликлиникалар бунёд этилмоқда. Бу борада айниқса оилавий поликлиникаларнинг ўрни беқиёс бўлмоқда. Жумладан, куни кеча шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Самарқанд дарвоза мавзесида фойдаланишга топширилган янги 14-оилавий поликлиника биноси ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли учун Ҳомийлар ва шифокорлар йилида муносиб совға бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қад ростлаган мазкур поликлиникада эндиликда «Самарқанд дарвоза», «Новза», Олим Хўжаев ва «Янгиобод» маҳаллалари аҳлига бирдек тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имкони яратилди.Президентимиз ушбу поликлиниканинг очилишида иштирок этиб, тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашганларида оилавий поликлиника ходимларини халқ саломатлигининг ҳимоячилари, яъни посбонлари деб таърифладилар. Шу билан бирга оилавий поликлиниканинг асосий вазифаси биринчидан оила саломатлигини ҳимоя қилиш, керак бўлса ҳар қандай касалликка профилактика ишларини олиб бориш, аввалambор ёш авлод соғлиғини сақлаш, соғлом тарбиялаш, иккинчидан қарияларнинг умрини узайтиришдан, шу билан бирга маҳалланинг таркибини ўрганишдан иборат, эканлигини таъкидладилар.

— Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тиббиёт ходимларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан бениҳоя мамнунмиз,— дейди 14-оилавий поликлиника бош шифокори Дилфуза Ибрагимова. — Бундай ғамхўрликка жавобан биз эзгу мақсадларни дилимизга жо қилиб, халқимиз саломатлигини сақлашда янада масъулият билан, Юртбошимиз берган тавсияларига амал қилган ҳолда иш олиб боришга ҳаракат қиламиз. Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳар бир оила аъзоси ўзининг тиббиёт посбонига, яъни оила шифокорига эга бўлди. Поликлиникамизга тўртта маҳалла бириктирилган бўлиб, 25 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатилади. Оилавий поликлиниканинг фалсафаси шундан иборатки, унинг ҳудудида яшовчи барча аҳолига (катталар, болалар ва фертил ёшидаги аёллар) бир вақтнинг ўзида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тўлиқ ҳажмда ташкил этилади. Шу билан бирга оила шифокори ўз фаолиятида барча аҳолининг саломатлиги бўйича уч тоифага бўлиб иш юритади. Поликлиникада аҳоли саломатлигига муҳим эътибор қаратган ҳолда тунги навбатчилик ҳам ташкил этилиб, узлуксиз тез тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Шунингдек бу ерда Тошкент педиатрия институтининг кафедралари билан ҳамкорликда умумамалиёт шифокори тизимида ўқишлар ташкил этилган. Келгусидаги вазифаларимиз давлатимиз раҳбари айтганларидек оила патронажи сифатини ошириш, оила паспортини ташкил қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратишдан иборатдир.



Айни кунда ўз фаолиятини бошлаган мазкур икки қаватдан иборат поликлиника тўлиқ компьютерлаштирилиб, замонавий тиббий жиҳозлар, лаборатория ускуналари, зарур дори-дармонлар билан таъминланди. Бу ерда оиланинг барча аъзолари учун оила шифокори билан биргаликда тор мутахассислар- эндокринолог, кардиолог, ортопед, отоларинголог, стоматолог, акушер-гинеколог каби йўналишлар бўйича малакали шифокорлар беморларга ёрдам кўрсатадилар. Айни вақтда логопед, психоневролог каби мутахассислар кўригидан ўтиш учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек бу ерда УЗИ, ЭКГ, рентген, уқалаш, жисмоний соғломлаштириш хоналари мавжуд.

— Ҳақиқатан ҳам янги, шинам ва кўркам поликлиникада онани ҳам, болани ҳам, оиланинг барча аъзоларини комплекс равишда тиббий кўрикдан ўтказиш, ташхис қўйиш, зарур муолажани белгилаш ва амалга ошириш учун барча шароитлар муҳайё, — дейди тиббий кўрикдан ўтиш учун келган бемор Насиба Омонхўжаева.— Илгарилари ёш фарзандларимни алоҳида поликлиникада, ўзим бошқа поликлиникага қатнаб даволанардик. Энди битта жойда оила шифокори бизга тиббий хизмат кўрсатмоқда. Биз оиламиз шифокори Зумрад Шоқосимовадан жуда хурсандмиз. Оиламиздаги каттаю кичикнинг соғлиғига доимо ғамхўрлик қилиб, керакли маслаҳатларни бериб келмоқдалар. Аҳоли саломатлигига кўрсатилаётган эътибор ва қулайликдан барчамиз миннатдормиз.

Дарҳақиқат, бундай шинам шифо масканлари эндиликда миллат саломатлигию соғлом ҳамда баркамол авлодни камол топтиришдек эзгу мақсадлар йўлидаги орзуларнинг ушалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: 14-оилавий поликлиника фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРОРИ, МАЗКУР КОМИССИЯ РАИСИ Р.ҚОДИРОВ БОШҚАРДИ.

Хоразм, Навоий ва Наманган вилоятларида болаларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолиши ҳолатлари, бундай муҳитда юз бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларида яшовчи ёшларга кўрсатиладиган тиббий, ижтимоий, маданий хизматнинг сифати ва кўламини оширишга оид ишларнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий ҳимояси тобора кучайтирилаётгани ва амалга оширилаётган изчил профилактика тадбирлари натижасида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик камаймоқда. Бунда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартибот органларининг масъул ходимлари иштирокида ўтказилаётган турли тадбирлар яхши самара бермоқда.

Бу борада Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда болаларнинг қаровсиз ҳамда назоратсиз қолиши олдини олишга қаратилган тарбиявий-профилактика тадбирлари олиб борилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хоразм вилоятида болалар спорти ривожи учун мавжуд шароитлар яхшиланаётганлиги туфайли болаларни спортга жалб қилиш ва уларнинг тўгаракларга қатнашиши сезиларли даражада ортган.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Навоий вилояти комиссияси фаолияти халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида муҳокама этилиб, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилгани эътиборга лойиқдир.

Наманган вилоятида эса ҳуқуқбузарликка мойил болаларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш учун «Устоз-шогирд-педагог» лойиҳаси асосида ўсмирларга касб ўргатиш ишлари яхши ташкил этилган. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Поп ва Учқўрғон туманларидаги мактабларда жамоатчилик асосида «Маҳалла сардорлари» ҳаракати ташкил этилганлиги ижобий натижа бераётир.

Йиғилишда бу борада ҳали қатор камчиликлар мавжуд эканига эътибор қаратилди. Бош прокуратура томонидан қишлоқ жойларида яшовчи ёшларга кўрсатиладиган тиббий, ижтимоий, маданий хизматларнинг сифати ва ҳажмини оширишда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликларига тегишли тақдимномалар киритилгани таъкидланди.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Иномова ва Р.Қосимов иштирок этди.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири

Бугуннинг гапи

ОҚСОҚОЛ НОМИГА МУНОСИБ БЎЛСИН

ЭРТА ТОНГ ТОЗА, ОРАСТА, СУВ СЕПИБ, СУПУРИБ-СИДИРИЛГАН ҲОВЛИ АТРОФИДАН ЎТИБ ҚОЛДИНГИЗ.

Чеҳрангиз очилиб атрофга суқланиб боқасиз. Кўча йўлакларида анвойи гуллар очилиб, ўзидан муаттар ҳид таратади. Кеч куз эқилган ниҳоллар капалак мисол қўшқанот барг ёзиб субхи сабодан нур эмиб, тобора кўкка бўй чўзади. Шундай завқли дамда нималарни ҳис этасизу, хаёлингиздан қандай ўйлар кечади? Албатта, шундай гўзаллик ҳамиша бор бўлса, ҳамма хонадонларимизда ободлик ҳукм сурса, орасталик, покизалик батартиблик уларни ҳеч қачон тарк этмаса, фусункор ва файзли ҳовли-жойларни ўз бағрига олган маҳаллаларимиз бунданда кўпайса деган фикр ўтади.

Яхши ният — ярим мол. Лекин орзуга қанот бағишловчи инсон ҳам ўзимиз. Бунинг учун фақат истак ва ҳавас бўлса бас. Хонадонларимиз янада кўркам, файзли, маҳаллаларимиз эса обод ва тароватли бўлади. Аслида бугун сўз юритмоқчи бўлган мавзуимиз ҳам маҳаллалар ва уларнинг бошқарувчилари — оқсоқоллар хусусида.

Инкор этмаймиз. Бизда ҳавас қилса арзигулик маҳаллалар жуда кўп. Ўйлаймизки, шаҳримизда фаолият юритаётган 474 та ўзини-ўзи бошқариш органлари орасида бундай намуналиларини санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Сабаби, уларнинг қандайлиги кўз ўнгимизда ўзининг бўй-басти билан намоён этиб турибди. Бу ҳақда яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳам ўзига хос фикрлар билдирилди. Шу йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови муҳокамасига бағишланган бу йиғилишда бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва маҳалла оқсоқоллигига муносиб номзодларни танлаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Шундан ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 4 апрелдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, олдимизда хўш, бугунги маҳалла оқсоқоли қандай бўлиши ва у қандай талабларга жавоб бера олиши керак, деган муҳим савол пайдо бўлади.

Агар маҳалланинг ҳозирги ҳаётимиздаги юксак мавқеи, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкамлиги, бу идоранинг жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучли эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, бугун маҳаллани бошқариш ҳар қандай оқсоқол учун ҳам осон кечмайди. Бунинг учун ишчан, ғайратли, ҳақиқий жонкуярликдан ташқари оқсоқолда ўта фидойилик, билимдонлик, давр билан ҳамнафаслик, маҳаллага том маънода ота-она бўла олиш каби хислатлар мужассам бўлиши мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, оқсоқоллар илм-маърифатли, ижтимоий-сиёсий билимларга эга, маҳалладошларининг тинчлик-осойишталигини таъминлай оладиган, кишиларнинг бошини қовуштирадиган инсон бўлиши керак. Ахир оддийгина қўни-қўшнилар ўртасида чиққан низони бартараф қилиш учун ҳам билим, муомала, адолатли бўлиш талаб этилади. Қолаверса, ҳозирда маҳаллага кўплаб маҳаллий бошқарув органларининг ваколатлари ҳам топширилганки, шундан келиб чиқиб маҳаллани жойларда кичик ҳокимият вазифасини ўтайдиган идора дейишга ҳам ҳақлимиз. Афсуски, бугун ҳамма маҳаллаларнинг оқсоқоллари ҳам бу масъулиятни тўлақонли ҳис этаяпти, дея олмаймиз. Ўтган давр сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб, бу йилги бўлажак сайловларда оқсоқолликка муносибларини сайлаш ва уларни танлашда янглишмаслигимиз керак.

Халқимизда «Ёлғиз отнинг донғи чиқмас» деган ибора бежиз айтилмаган. Катта бир маҳаллани тўлақонли бошқариш якка оқсоқолнинг қўлидан келадиган иш эмас. Бу борада унга маҳалла маслаҳатчилари ҳар жиҳатдан кўмакдош бўлишлари лозим. Шундай экан, биздан маҳалла маслаҳатчиларини ҳам танлаб сайлашда эътиборли бўлишимиз талаб этилади. Сабаби кўп нарса ана шу маслаҳатчиларнинг ҳалол ва поклиги, вазиятни тўғри баҳолай олиши, амалий вазифаларни кўзлаб иш тута билиши, изланувчан ва нечоғлик тадбиркорлигига ҳам боғлиқ.

Эндиликда чойхонада ўтириб олиб, ўзинг билан бир лаганда ош еб, бир пиёладан чой ичаётган одамга ўйламай-нетмай, меҳринг жўшиб, лоқайдлик билан «фалончи оқсоқол бўлсин», дейдиган вақт ўтди. Яширишга ҳожат йўқ, баъзан бу масалада ҳали ҳам тарафкашлик ҳоллари учраб турганлигини кўздан қочириб бўлмайди.

Зеро, гап маҳалла оқсоқоли хусусида борар экан, шу ўринда баъзи мисолларга мурожаат қилишимиз ўринли туюлади. Масалан, «Юнусобод» маҳалласига қанча-қанча қария-фахрийлар бошчилик қилишди. Очиғи, эл-улус ичида баобрў бўлган бу отахонлар кўлларидан келганча маҳаллани бошқаришга ҳаракат қилишди. Лекин кексаликлари туфайли маҳаллада тилга тушадиган ибратли ишларни амалга ошириш улар учун қийин кечди. Ҳатто маҳалла идораси учун бирор-бир бино қуришга ҳам қурбилари етмади, борига қаноат қилишди. Йиллар ўтиб маҳаллага ташаббускор, ғайратчан инсон Сайфулла ака бошчилик қилдию маҳалла қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугун маҳалла шундай бир намунали гузарга эгаки, кўрган киши қисқа муддат ичида бундай кўркам кошонанинг бунёд этилганлигига ишонгиси келмайди.

Маҳалла оқсоқоли ҳақида гап борганда «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласининг фахрий оқсоқоли, «Эл-юрт ҳурмати» орденининг соҳиби Эгамназар Қодиров ҳақида ҳам сўз юритмай иложимиз йўқ. У узоқ йиллар турли миллат вакиллари яшайдиган кўп қаватли уйлар орасида ташкил этилган маҳаллага бошчилик қилди. Тарқоқ маҳаллани ягона оилага бирлаштирди. Вақт-соати келиб кексаликни бўйнига олди. У маҳаллани ўзидан кўра яхшироқ бошқара оладиган муносиб ёшларни чамалаб кўрди, синади, кузатди. Шулар орасидан энг иқтидорлисини танлаб, уни оқсоқолликка тавсия этди. Бугун ҳам Эгамназар ака тиниб-тинчимайди. У фахрий оқсоқол сифатида маҳаллада олиб бориладиган ҳар бир хайрли ишга бош-қош.

Юртимизда саховатли инсонлар кўп. Халқимиз нафақат меҳр-оқибатли, балки элпарвар, тинчликсеварлиги билан ҳам шуҳрат қозонган. У меҳмондўст, бағри кенг бўлиш билан бирга, ўзи яшаётган она замин тупроғини олтинга тенг билади. Мана, характерли бир мисол. Бундан тўрт йил муқаддам мактабдош дўстимизнинг яқинларидан бири узоқ айриликдан сўнг она юртига келадиган бўлди. Меҳмонни аэропортда кутиб олдик. Учрашув онлари қандай ширин. Манзилга етиб келгач, меҳмон машинадан тушдию, одамлар кўз ўнгида бирдан остонага тиз чўкди. Шашқатор кўз ёшлари билан ерни ўпа кетди. Уни қўлтиғидан тутиб кўтардик. Шунда у: «Бу тупроқдан қадамим узилгандан бери уни қумсайман. Бир сиқимини олтинга алмаштиришга тайёрман. Ниятим, агар насиб этиб она юртимга қайтсам ўзим униб-ўсган остонам тупроғини кўзимга суртиш эди. Алҳамдулиллоҳ, муродимга етдим», деди.

Ўшанда биз ана шундай табаррук замин, озод Ватанда яшаётганимиздан ўзимизни яна бир карра бахтиёр ҳис этдик. Бундай табаррук тупроқни қадрламаслик, нонкўрлик эканлигини чуқур англаб етдик. Зеро, Ватан остонаси маҳалладан бошланар экан, унинг қадрига етмаслик нонкўрлик ҳисобланади.

Маҳалла — катта даргоҳ. Шундай экан, маҳаллага қўшилмай, унинг ишлари, тўй-маъракаларию, яхши-ёмон кунларини биргаликда баҳам кўрмай юрган ҳар қандай одам эл назаридан четда қолади. Маҳалла остонасидан ўтмаган, бу қутлуғ уйни назар-писанд қилмаган одам пировард натижада яккаланиб қолади. Ўзи яшаб турган маҳаллани менсимаслик ўз оиласининг қадрига етмаслик билан баробар. Бу қутлуғ даргоҳни идора қила оладиган одам эса чинакам номига муносиб бўлиши керак. У ҳарқандай ўзбўларчилик, кибру-ҳаволик, мансабпарастлик, келишувчанлик, ошна-оғайнигарчилик иллатларидан ҳоли бўлиши лозим.

Бизда адолат деган мезон, виждон деган олий ҳакам бор. Мана шу тарозунинг икки палласи этагидан тутган, одамларнинг бошини қовуштира оладиган, маҳаллам деб яшаб, унинг ободончилиги йўлида тинибтинчимаган, юрт учун ўзини бахшида этган оқсоқолгина элда обрў-эътибор топади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Таълим

«БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ»

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ МАМЛАКАТИМИЗ МИҚЁСИДА ЎТКАЗАЁТГАН ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИДАН БИРИ АНА ШУНДАЙ - «БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ», ДЕБ АТАЛДИ.

Олий ўқув юртларининг хотин-қизлар кенгашлари раҳбарлигида талаба-қизлар томонидан тайёрланган турли хил ўйинчоқлар, ширинликлар мурувват уйлари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳамда ногирон болаларга совға қилинмоқда.

Ана шундай хайрия тадбирларининг навбатдагиси Тошкент Ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтди. Унда мазкур университет талабалари тайёрлаган уч юздан зиёд ўйинчоқ ва турли ширинликлар пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 87-меҳнат таълими мактаби ўқувчиларига топширилди.

Республика Хотин-қизлар қўмитасидан маълум қилишларича, «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» хайрия тадбирида юртимиздаги барча олий ўқув юртлари талаба қизлари фаол иштирок этмоқда. Ҳозиргача мазкур тадбир орқали ногирон ва кам таъминланган оилалар фарзандларига саккиз мингдан ортиқ ўйинчоқ ҳадя этилди.

Ж.КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири

Иқтисодиёт

ТЕЖАМКОРЛИКДА МУҲИМ ОМИЛ

ҚИММАТБАҲО БОЙЛИКЛАРИМИЗ — СУВ, ГАЗ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАШДА ҲИСОБЛАГИЧЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС. БУНИ АНА ШУНДАЙ УСКУНАЛАРНИ ЎРНАТГАН ВА САРФИГА ЯРАША ҲАҚИНИ ТЎЛАЁТГАН ХОНАДОН СОҲИБЛАРИ ЖУДА ЯХШИ АНГЛАШМОҚДА.

Пойтахтимизда ташкил этилган «Elektron-xisoblagich» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ана шундай ускуналар бугунги кун талабига жавоб бериши ва электр энергиядан ўринча фойдаланишларга чек қўйиши билан аҳамиятли туради.

Корхона тадбиркорлари имкониятларидан келиб чиқиб жорий йилда тўрт юз минг дона электрон ҳисоблагичларни ишлаб чиқаришни режалаб қўйишган. Шуниси эътиборлики, ушбу ускунага замонавий интерфейс ва микрочип қурилмалари ўрнатилган бўлиб, электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларида самарали қўллаш мумкин. Электр энергиясини ўғирлашга чек қўювчи ушбу ҳисоблагичдан ҳудудий электр тармоқлари бошқарув пультида кимга қанча энергия ажратилгани ва ундан қандай фойдаланаётгани ҳақида аниқ маълумот олиб туриш имконияти мавжуд. Яна ушбу ҳисоблагич шуниси билан аҳамиятлики, агарда фойдаланилган электр энергияси учун тўловлардан қарздорлик ҳолати аниқланса, масофадан туриб ускуна автоматик равишда тўхтатиб қўйилади.

Сирасини айтганда, ушбу электрон ҳисоблагичлар электр энергиясидан ўзбошимчалик билан фойдаланишга чек қўйиб, қарздорликнинг олдини олишга катта фойда беради.

МИЖОЗЛАРНИ МАМНУН ЭТАДИ

ЭГНИНГИЗДАГИ ЛИБОСНИНГ КЎРКАМЛИГИ ҲУСНИНГИЗГА МОС БЎЛИШИДА ИЗЛАНУВЧАН МОДЕЛЬЕР-ЧЕВАРЛАРНИНГ ҲИССАСИ КАТТА, АЛБАТТА.

Пойтахтимизда ўз фаолиятини бошлаган «Малика-модель» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам мижозлар дид ва эҳтиёжидан, бозор талабидан келиб чиқиб меҳнат қилишмоқда. Ушбу корхонада ҳар бир мижознинг буюртмасини тез ва соз, шунингдек таклифларини инобатга олган ҳолда бажаришга эътибор қаратилади.

— Ҳозирда тикув цехимизда 10 нафардан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланган, — дейди корхона раҳбари Анвар Жалилов. — Аёллар, эркаклар, болалар кийимлари, тўй либослари тикиш баробарида корхона ва ташкилотлар учун махсус иш кийимларини ҳам буюртма асосида тайёрлаб берамиз. Жорий йилда уйда ўтирган аёлларимизга қулайлик яратиш мақсадида Президентимизнинг касаначилик ривожига оид қароридан тўғри хулоса чиқарган ҳолда яқин атрофдаги маҳаллаларда янги иш ўринларини яратаяпмиз. Бунинг натижасида ишлаш истагида бўлган, лекин шароити бўлмаган хотин-қизларга уйда ишлаш учун имконият яратилади.

«Шарқ-модель» корхонаси дизайнер-модельерлари айни кунларда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш баробарида ички бозорга янги моделдаги либослар чиқаришга ҳам ҳаракат қилишмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Фармон ва ижро

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 11 ЯНВАРДАГИ «ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ЎЗИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ БИЛАН АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Негаки, пойтахтимиз кўчаларида ҳаракатланадиган жамоат транспортларида аҳолига намунали хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш жараёнини тезлаштириш, соҳада олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида ошкора рақобат учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш сингари масалаларга ижобий ечим топиш зарурати мавжудлиги кўзга ташланиб бормоқда эди. Бундан ташқари Фармонда кўзда тутилганидек, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат андозаларига мос бўлиши ва йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш каби муаммоларни бартараф этиш бўйича вазифалар соҳа мутасаддилари зиммасига ўзига хос масъулият юклайди.

Шу маънода Собир Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган Қорақамиш 2/4 мавзесидаги 3-автобус саройи ОАЖ тасарруфидаги шоҳбекатда бўлиб, Фармон талаблари доирасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. Айтиш жоизки, мазкур шоҳбекатдан 65, 76, 78, 87, 100-йўналишлардаги йўловчи ташиш транспортлари йўлга отланади.

— Қабул қилинган ушбу меъёрий ҳужжат биз – соҳа ходимлари зиммасига бир қанча талабларни юклади, — дейди шоҳбекат бошлиғи Наримон Эгамназаров. — Шу боис қисқа фурсатларда шоҳбекатдаги эски ўриндиқлар янги, қулай ўриндиқлар билан алмаштирилди. Ўз хизматини ўтаб бўлган йўналиш кўрсаткичлари ҳам шу аснода алмаштирилиб, йўловчиларнинг диққат-эътиборини тортадиган жойларга осиб қўйилди.

Амалга оширилаётган ишлар кўлами бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Қатнов транспортларининг аксари «Мерседес» русумидаги автобуслар эканлиги ҳисобга олиниб, улардаги айрим камчиликлар, яъни — ўриндиқлардаги ёзувлар ўчириб ташланди, фойдаланиш мумкин бўлмай қолган ўриндиқларга янги ғилофлар ўрнатилди.

— Эндиликда яна бир хайрли ишга қўл урдик, — дейди 3-автобус саройи ОАЖ бошқаруви раиси ўринбосари Фазлиддин Маликов. — Автобусларимизда йўловчиларни тартиб-интизомга чақирувчи эълонлар доимий равишда эшиттириб борилади. Шу билан бир қаторда соҳамизга дахлдор меъёрий ҳужжат талабларининг моҳиятини аҳоли ўртасида тобора кенгроқ ёйиш мақсадида бир қатор ишларни режалаштириб олганмиз.

Хидирали ПАНЖИЕВ





"Камолот"

МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, уларнинг оила, маҳалла ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, шунингдек, келгусида оилапарвар, замонавий, миллий урф-одат ва қадриятларга тўлиқ эга бўлишларига кўмаклашиш, бўш вақтларини унумли ўтказишларини ташкиллаштириш, қизларимизни ҳаётга тайёрлаш орқали оилалар ўртасидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан пойтахт маҳаллаларидаги қизлар ўртасида «Маҳалланинг намунали қизи» кўрик-танловини ўтказди.

Асосан 16-18 ёшли қизлар жалб этилган ушбу кўрик-танлов 6 та шарт бўйича энг нафосатли, жозибали ва ақлли қизларни финал босқичига саралади. Шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритган қизлар таништирув, «Саломатлик-бахтли ҳаёт гарови», «Мазали таом тайёрлаш менинг бурчим», «Тарбиячи она», «Байрамона соч турмаги» каби синовлардан бўйича беллашдилар.

Қизғин кечган танлов якунида ҳакамлар ҳайъати қизлар орасидан барча шартларни аъло даражада бажариб, кўпчилик меҳрини қозона олган, Юнусобод туманидаги шаънини ҳимоя қилган Нафосат Сулаймоновани ғолиб деб топди. Ғолибликни қўлга киритган Нафосатга диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

— Аввало, ушбу кўрик-танловда иштирок этишимнинг ўзи бир хурсандчилик бўлса, 10 нафар қиз орасидан ғолибликни қўлга киритиш мен учун катта ютуқ десам хато қилмаган бўламан,- дейди жумладан Нафосат Сулаймонова. – Бундай тадбирни ташкиллаштирган «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва «Маҳалла умидлари» марказига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Орзугул РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА БАҲОР НАСИМИ

ЯҚИНДА ИБН СИНО ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН, ХИТОЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЖАҲОН ТАРИХИ ИНСТИТУТИНИНГ ТАДҚИҚОТЧИСИ СУН СЯНЬ БУЮК МУТАФАККИР АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА БАҒИШЛАБ БУХОРОДА ЎТКАЗИЛГАН БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМДА ИШТИРОК ЭТДИ. ХИТОЙНИНГ ЕТАКЧИ НАШРЛАРИДАН БИРИ «ЖЭНЬМИНЬ ЖИБАО» ГАЗЕТАСИ СУН СЯННИНГ ЎЗБЕКИСТОН САФАРИ ҲАҚИДАГИ САФАР ТААССУРОТЛАРИНИ ЧОП ЭТДИ. УЛАРНИ БИРОЗ ҚИСҚАРТИРИЛГАН ҲОЛДА ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТМОҚДАМИЗ.

«Ўзбекистон Ўрта Осиё марказида жойлашган бўлиб, икки минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида Буюк Ипак йўлидаги муҳим савдо бўғини ва турли цивилизациялар кесишган чорраҳа ҳисобланади. Конференциянинг маданий дастури доирасида мен Бухоро миллий рақсларидан бахраманд бўлдим. Улар ўзбек ашула-рақс санъати қадимги Суй ва Тан династиялари пайтида Хитой императорларининг саройида ҳам мавжуд бўлганини ёдимга солди. Император саройида Шиго (Тошкент) ҳамда Канго (Самарқанд) давлатларининг рақслари машҳур бўлган. Тан даврининг таниқли шоири Бай Цзюйининг «Гитара куйи» деб номланган шеърида сўғдлик симли мусиқа асбобларининг моҳир ижрочилари ҳақида ёзилган.

Тошкентдан Бухорога боришда биз Самарқанд орқали ўтдик. Узоқ йўл эмасми, турли ўй-хаёлларга бериласан киши. Тан династияси даврида яшаган Сюань Цзан исмли руҳоний буддавийлик расм-русумларини қидириб Ҳиндистонга кетаётганида айнан шу йўлдан ўтгани ёдимга солди. Император саройида Шиго (Тошкент) ҳамда Канго (Самарқанд) давлатларининг рақслари машҳур бўлган. Тан даврининг таниқли шоири Бай Цзюйининг «Гитара куйи» деб номланган шеърида сўғдлик симли мусиқа асбобларининг моҳир ижрочилари ҳақида ёзилган.

Тошкентдан Бухорога боришда биз Самарқанд орқали ўтдик. Узоқ йўл эмасми, турли ўй-хаёлларга бериласан киши. Тан династияси даврида яшаган Сюань Цзан исмли руҳоний буддавийлик расм-русумларини қидириб Ҳиндистонга кетаётганида айнан шу йўлдан ўтгани ёдимга тушди. XIII асрда эса ғарбга кетаётган Чингизхон ўз қўшинини шу йўлдан олиб ўтган. Форс олими Казвини (1203-1283) ўзининг «Атар ал Билод» асарида машҳур саёҳатчи Ду Хуань ва унга ҳамроҳлик қилган хитойликлар VII асрнинг 50-йилларида Самарқандга етиб боргач, маҳаллий аҳолига қоғоз тайёрлашни ўргатгани ва у кейинчалик турли мамлакатларда харидорбоп маҳсулотга айлангани ҳақида ёзиб қолдирган. XIII асрда буюк хон Хубилай бухоролик Сайид Шамсиддинни Хитойнинг Юньнань вилояти ҳокими этиб тайинлаган. Унинг ҳукмронлиги даврида вилоятда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиб, иқтисодиёт ривожланган, фан ва санъат гуллаб-яшнаган.

Симпозиум иштирокчилари Бухоро хонлиги даврига мансуб «Амир» қалъасини кўздан кечириши баробарида қадимий давр файласуфи Нақшбандийнинг улуғвор, сокин ва шу билан бирга гўзал мақбарасини зиёрат қилдилар.

Туман қўйнидаги маҳобатли тоғларни кўрсатар экан, маҳаллий олимлар бу Тяншаннинг ғарбий қисми эканини, унинг шарқий қисми эса Шинжонга туташганини айтишди. Шунда Хитой билан Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам яқин ва дўстона қўшни мамлакатлар экани кўнглимга келди. Бу туйғу қалбимда қариндошинг уйига меҳмон бўлиб кетаётганингда пайдо бўладиган қувонч ҳисларини уйғотди. Ана шундай ҳис-туйғу Ўзбекистонда ўтган бир ҳафта давомида яна ҳам кучайди – бегона юртда юрганим мутлақо сезилмас эди. Қадимий тарихи ва маданияти воситасида мен ўзбек халқининг барқарорлик, тараққиёт ва порлоқ келажак сари интилаётганини кўришга муяссар бўлдим».

«Жаҳон» АА

Тадбирлар

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

МАЪЛУМКИ, ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН 7 АПРЕЛЬ БУТУНЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН. БУНДАН АСОСИЙ МАҚСАД КЕНГ ОММАНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ АНИҚ БЕЛГИЛАНГАН ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ БОРАСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ОШИРИШДАН ИБОРАТ.

Яқинда Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Саломатлик институти ҳамда унинг Тошкент шаҳар ва вилоят филиаллари ҳамкорлигида «Соғлиқни сақлаш — барчамизнинг вазифамиз» шиори остида брифинг ўтказилди. Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Кадрлар ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Ш.Отахонов кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида қўлланилаётган янгиликлар, шунингдек, мавжуд айрим муаммолар тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вакили З.Хўжаев, Республика Саломатлик институти директори З.Муталова ва бошқалар сўзга чиқиб, юқоридаги мавзу бўйича амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қизғин савол-жавоб ва баҳс-мунозара остида ўтган тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Дилором ИКРОМОВА



ЗАРГАРЛАР ВА ЗАРДЎЗЛАР МАСКАНИ

«ҲУНАР — ҲУНАРДАН УНАР», —ДЕЙДИ ХАЛҚИМИЗ. БУГУНГИ КУНДА ШУНДАЙ МАШАҚҚАТЛИ ВА ШАРАФЛИ КАСБЛАР БОРКИ, УНИНГ ЗАҲМАТЛИ ЗАМИРИДА НАФИС БИР ГЎЗАЛЛИК МУЖАССАМ. БУНДАЙ КАСБЛАР СИРАСИГА ЗАРГАРЛИК, МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР УСТАСИ, НАҚҚОШЛИК, БАДИИЙ ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ КАБИ КЎПЛАБ СОҲАЛАРНИ КИРИТИШ МУМКИН. БУ КАСБЛАРНИ ПУХТА ЭГАЛЛАШ, УНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИГА АЙЛАНИШ УЧУН ЭСА, ЎҚИШ ВА ЎРГАНИШ ЗАРУР.



Шаҳримиздаги Учтепа Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи айнан шу ҳунарларни бекаму кўст ўргатадиган ўқув масканидир. Мазкур ўқув даргоҳида заргарлик устаси, тикувчилик ишлаб чиқариш устаси, бадиий миллий либос устаси, бадиий ёғоч ўймакорлиги устаси, бадиий наққошлик устаси, бухгалтер-аудитор каби кичик малакали мутахассислар тайёрланади.

— Бизнинг коллежимизда миллий ҳунармандчилик касблари мукаммал ўргатилгани боис, уни тугатган барча ўқувчилар ўзлари эгаллаган касблари бўйича Республикамизнинг ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият кўрсатмоқдалар, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқдалар, —дейди коллеж директори Шуҳрат Иноятов. —Асосий вазифамиз ўқувчиларнинг маънавий баркамол бўлиб етишишларида, ўз касбларини қунт ва меҳр билан ўрганишларида уларга яқиндан ёрдам бериш, иқтидорларини янада шакллантиришдан иборатдир. Зеро, бугунги авлод эртанги нурафшон кунимизнинг порлоқ юлдузи, ишонч тоғидир. Уларни тўғри йўлга бошлаш, маърифатли, ҳунарли қилиш биз педагогларнинг шарафли ва заҳматли вазифамизга киради.

Бугунги кунда коллежда 871 нафар ўқувчилар таҳсил олмоқда. Ёшларга билим бериш ва ҳунар ўргатиш борасида коллежда 59 нафар муҳандис педагог фаолият кўрсатмоқда. Улардан 3 нафари олий тоифали, 10 нафари биринчи тоифали, 8 нафари эса иккинчи ва 11 нафари мутахассис тоифасига эгадир. Ишлаб чиқариш таълими усталари эса 24 нафарни ташкил этади.

Коллеж қошида миллий ҳунармандчилик касблари бўйича доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил этилган бўлиб, унда шаҳримиздаги миллий ҳунармандчилик касбига йўналтирилган коллеж ўқитувчиларининг малака ошириши ташкил этилган. Уни кўп йиллик илмий-педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчи Н. Муротова олиб боради.

Умумий ўрта таълим фанларини ўқитишда, Жанубий кореялик ҳамкорлар ва «Самарқанд Эл» фирмасининг ҳомийлигида хоналар кўргазмали ва лаборатория машғулотлари учун махсус жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, таълим муассасасида 2 та компьютер, 3 та лингафон хонаси, биология, кимё, физика, электротехника ва касбий фан хоналари керакли ўқув анжомлари, мутахассисликлар бўйича зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Тикувчилик устахонаси 1022-русумли тикув машиналари, бадиий либос устахонаси МВ-50 махсус попоп машинаси билан таъминланган.

Ҳар йили коллеж ўқувчилари миллий ҳунармандчилик касблари бўйича «Замонавий миллий либос», «Қўли гул уста», «Энг яхши уста», «Иқтидорли ёшлар», «Ёшлар овози» Республика кўрик-танловлари ҳамда умумтаълим фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.Тошкент шаҳрида ўтказилган «Осиё заргарлари» жаҳон кўргазмасида ҳам иштирок этиб хорижликлар эътиборини қозонган, «Қўли гул уста» республика кўрик-танловида ёғоч ўймакорлиги ҳунари бўйича қатнашиб ғолиб бўлган ўқувчилар ҳам айнан шу ерда таҳсил олишган. Шулардан бири Камолиддин Раҳимов бугунги кунда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Бадиий графика факультетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Бундан ташқари коллеж ўқитувчилари танловда ўзларининг миллий санъат асарлари, заргарлик ва зардўзлик мутахассисликлари билан қатнашиб иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.



Коллежда спорт соҳасига ҳам катта эътибор қаратилган. 10000 дан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхона ҳам ўқувчилар хизматида. Коллеж ўқувчилари Тошкент шаҳрида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари, кичик корхоналар, фирмалар билан тузилган шартномалар асосида ишлаб чиқариш амалиётларига юборилади ва иш билан таъминланадилар.Жумладан «Фонон» ИИЧБ, «Феруз олға» кичик корхонаси, «Шарқ гули» акционерлик жамияти, Миллий банк,«Эйшен Рейз» қўшма корхонаси шулар сирасига киради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки ҳар йили баҳор ойларида коллежда очиқ эшиклар куни ўтказилиб келинмоқда. Бунда ўқувчилар қўли билан тайёрланган заргарлик, тикувчилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлик, наққошлик буюмлари кўргазмалари ташкил этилади. Ўқувчилар томонидан ташкил қилинган музей ҳам коллежнинг ифтихоридир.



Учтепа Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи Камолиддин Беҳзод номидаги Республика рассомчилик институти ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Санъат

ОММАЛАШГАН ТАРОНА

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК МАВЗУИДА БИР НЕЧА ЯНГИ МУСИҚА АСАРЛАРИ ЯРАТИЛДИ.

Таниқли бастакор Дилором Омонуллаева басталаган «Бу бўстон — Ўзбекистон» деб номланган қўшиқ ҳам энг яхши ижод намуналаридан бири деб топилди.

Шоир Мирпўлат Мирзо шеъри билан айтиладиган мазкур тарона жозибали ва тантанавор оҳанги билан севиб тингланади. Она диёр меҳрини дилга жо қилган ҳарбийларга бу қўшиқ айниқса манзур бўлди. Янги қўшиқ қатор концерт ташкилотлари концерт дастуридан ўрин олди. Уни талаба ёшлар ҳам севиб ижро этишмоқда.

МАНЗУР ФИЛЬМЛАР

«ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИНИНГ КИНОСЦЕНАРИЙЛАР ТАЙЁРЛАШ, БАДИИЙ ВА МУЛЬТИПЛИКАЦИОН, КИНО ВА ВИДЕОФИЛЬМЛАРНИ ЯРАТИШ ЙЎНАЛИШИДА АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ТАДБИРЛАРИ ЎЗ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА. БУНДАЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ ЎЛАРОҚ БИР НЕЧА ЯНГИ ЭКРАН АСАРЛАРИ ЮЗАГА КЕЛДИ.

Уларда постановкачи режиссёрлар билан бир қаторда сценарийнавислар, тасвирчиларнинг маҳоратлари ҳам намоён бўлди. Шу ўринда таниқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов яратган «18 квадрат («Ватан тупроғи») фильмини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Мазкур экран асари мутахассислар томонидан юксак савияда суратга олинган ижод намунаси деб баҳоланди.

Бундан ташқари «Кўргулик», «Йўл бўлсин» каби постановкалар ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Бу экран асарлари ижодкорлари изланишлари ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Ёшлар – келажагимиз

МАҲАЛЛАДА ДАВРА СУҲБАТИ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ МАЪНАН ЕТУК, ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ, БИЛИМЛИ, ЗУККО БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШИ ШУБҲАСИЗ. ШУ БОИС ҲАМ ЎҚУВ МАСКАНЛАРИДА, МАҲАЛЛАЛАРДА "МАҲАЛЛА" ЖАМҒАРМАСИ, "МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ" МАРКАЗИ ҲАМДА "КАМОЛОТ" ЁИҲ ТУМАНЛАР БЎЛИМЛАРИ ҲАМКОРЛИКЛАРИДА ЁШЛАР ИШТИРОКИДА ТЕЗ-ТЕЗ ТУРЛИ ХИЛ МАВЗУЛАРДА ТАДБИРЛАР УЮШТИРИЛАЁТГАНИ ТАБИИЙ ҲОЛ АЛБАТТА.

Куни кеча Учтепа туманидаги "Оқмасжид" маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан "Гиёвандликка қарши кураш" мавзуида давра суҳбати уюштирилди. Маҳалланинг энг фаол 12-17 ёшли ўсмирлари учун ташкил этилган ушбу тадбирда фуқаролар йиғини маслаҳатчилари, хотин-қизлар комиссияси аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан бирга 56-оилавий поликлиника шифокорлари ҳам иштирок этишди.

Тадбирни очар экан, "Оқмасжид" маҳалласи оқсоқоли Саъдулла Мўминов, ёшлар тарбиясининг шаклланишида маҳалланинг роли беқиёс эканлигига йиғилганлар эътиборини қаратди. —"Отанг маҳалла, онанг маҳалла" деб бежиз айтишмаган, – деди жумладан оқсоқол, – шундай экан, ҳар бир ўсмир маҳалла фаолларининг эътиборида бўлиши даркор. Боланинг бегонаси бўлмайди, деганларидек, биз катталар болажонларимизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларига ўзимизни масъул деб ҳисобласак, уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишларига имкон яратсак, аминманки, фарзандларимиз гиёвандликка ружу қўйишмайди. Дарвоқе, ҳозирда ҳар бир маҳаллада вилоятлардан иш қидириб келган ёшлар учрайди. Биз маҳалла фаоллари эса ана шундай ёшлар билан ҳам мунтазам мулоқотда бўлишимиз зарур.

Шунингдек, 56-оилавий поликлиника бош шифокори Муяссар Мўминова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Наргиза Шамсиева, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Турғуной Аҳмедовалар ёшларга гиёвандликнинг салбий оқибатлари, унга муккасидан кетганларнинг ҳаёти доимо хавфу хатар остида туриши аниқ эканлигини мисоллар билан тушунтириб беришди. Ва ёшлар тарбиясининг шаклланишида оила – маҳалла – мактаб йўналишидаги ишларни такомиллаштириш зарур эканлигини уқтириб ўтишди.

Баҳсу мунозара, савол-жавоб тарзида уюштирилган давра суҳбатида сўз олган маҳалланинг фаол ёшлари Комрон Аҳмедов, Искандар Шамсиев, Равшан Муҳиддинов ва Зайниддин Низомиддиновлар тенгдошларига жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишни, мактабда, коллежда, институт ҳамда университетда яхши ўқишга интилишни маслаҳат беришди. Чунки илм билан машғул бўлган, аниқ мақсад учун интилган инсон ҳеч қачон гиёвандлик балосига мубтало бўлмайди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ХАЙРИЯ ФЕСТИВАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛЬ ВА ОРКЕСТРЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ ХАЙРИЯ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ. ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР ТАДБИР МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ВА ҚАТОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЎТКАЗИЛАЁТИР.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори Дилора Муродова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мусиқа санъатимизни янада равнақ топтириш, янги истеъдодларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда мусиқа фестивалларининг, кўрик-танловлар, ижодий беллашувларнинг ўрни ва аҳамияти муҳимдир.

Икки кун давом этадиган мазкур мусиқа анжуманида профессионал ижодий жамоалар билан бирга мактабгача, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, олий мусиқа таълим муассасаларининг халқ чолғу ансамбль ва оркестрлари юртимиз ва жаҳон бастакорларининг янги яратилган асарларини ижро этади.

ЎзА

МАҲАЛЛАМ — НУРЛИ ГЎШАМ

БУГУН ШАҲРИМИЗГА НИГОҲ ТАШЛАР ЭКАНМИЗ, ҚАЛБИМИЗ ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИГА ТЎЛАДИ. МАҲОБАТЛИ БИНОЛАР, КЎРКАМ ИМОРАТЛАР, КЕНГ ВА РАВОН КЎЧАЛАР КЎРГАН КЎЗЛАРНИ ҚУВНАТАДИ. ГУЛУ ГУЛЗОРЛАРГА БУРКАНГАН ХУШМАНЗАРА БОҒЛАР ЭСА БАҲРУ ДИЛИМИЗНИ ОЧАДИ.





Пойтахтимиз аҳли ҳамжиҳатликда, бирдамликда ўзлари истиқомат қилаётган масканларни обод ва ораста гўшаларга айлантирмоқдалар. Шаҳримиздаги «Гузар» маҳалласида ҳам таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

— Маҳалламизда, — дейди «Гузар» маҳалласи оқсоқоли Ҳасан Ходжаев, — етти мингдан зиёд фуқаролар яшайди. Турли миллат вакилларидан иборат аҳоли аҳил, иноқ ҳамда ҳамқадам, ҳамнафас бўлиб баҳамжиҳатликда иш юритадилар. Бизнинг истагимиз ягона. У ҳам бўлса, юртимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонлик бўлсин. Маҳалламиз тинчлиги, бизнинг хотиржамлигимиздир...

Ҳа, Ҳасан ака ҳақ гапни айтди. Қаердаки тинчлик, хотиржамлик, орасталик бўлса ўша ерда бахт, омад ва ҳузур-ҳаловат мужассамдир. Айтиш жоизки, «Гузар» маҳалласида мақтовга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. 2450 та оила истиқомат қилувчи 28 та кўп қаватли уйларнинг деярли ҳаммасига темир эшиклар ўрнатилди. Йўлакларнинг олди қайта таъмирланди. Кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари кўнгилдагидек амалга оширилди. Маҳалла ҳудудидаги 436-мактабгача таълим муассасаси ҳашар йўли билан қайта таъмирланди. 18, 19, 25, 22, 23-кўп қаватли уйларнинг кўчалари текисланиб, асфальтланди. Бу ишларга «Гузар» маҳалла оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, хотин-қизлар комиссияси раиси, маҳалла посбонлари, сардорлари ва фаоллар бош-қош бўлиб туришди. Кўчаларнинг саранжом, саришталиги дилларни яйратади. Маҳалланинг обод ва орасталиги бу ерда яшайдиган аҳолининг, одобу-ахлоқидан дарак беради. Зеро, Ватан — остонадан бошланади.

Гулнигор САТТОРОВА

СУРАТЛАРДА: «Гузар» маҳалласида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларидан лавҳалар.

Сўранг, жавоб берамиз

ЧОРСУ ҚАНДАЙ МАЪНОНИ БИЛДИРАДИ?

Шаҳримиздаги Чорсу бозорига жуда кўп борамиз. Лекин унинг номи ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасмиз. «Чор»-тожикча тўрт маъносини билдиради. «су» эса томон маъносини. Лекин бу маъноларнинг бизнинг бозоримизга нима алоқаси бор? Шу ҳақда аниқ маълумот берсангиз.

Камола Ҳамдамова,
Шайхонтоҳур туманидан, талаба

Чорсу — чорраҳа, шаҳар марказидаги катта кўчалар кесишган жой, деган маънони билдиради. Зардуштийлар (оташпарастлар)нинг муқаддас китоби «Авесто»да човрусуқ (айнан «Тўрт томонлама») сўзи бозор маъносида келади. Илк ўрта асрларда Туркистон кўчаларининг ҳар икки томони бозор расталаридан иборат бўлиб, кўчалар ғарбдан шарққа ва жанубдан шимолгача чўзилган эди. Кўчалар кесишган жойдаги гумбазли бозор Чорсу деб аталган. Форсча су «томон», «тараф» маъносини англатган. Чорсу — «тўрт томонлама», сесу — «уч томонлама» яна суқ элементи ҳам учрайди. Бу эса ўша сўзнинг кичрайтирилган шакли ёки арабча суқ «бозор» демакдир. Бухородаги Суқи тарроҳи деган бозор бўлган: суқ «бозор», таррох — «тарок» маъносидадир.

Суюн ҚОРАЕВ,
география фанлари доктори

Шаҳримиз зиёратгоҳлари

ШАЙХ ЗАЙНИДДИН БОБО

ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН ШАҲРИМИЗДА ЗАНГИ ОТА, ҚЎЙЛИҚ ОТА КАБИ ЗИЁРАТГОҲЛАР МАВЖУД. ШУНИНГДЕК, КЎКЧА ДАҲАСИДА ШАЙХ ЗАЙНИДДИН НОМИ БИЛАН АТАЛУВЧИ ҚАБРИСТОН БОР. БУ ҚАБРИСТОНДАГИ ҲАШАМАТЛИ МАҚБАРАГА УЛ БУЮК ЗОТ БУНДАН ЕТТИ ЮЗ ҚИРҚ ОЛТИ ЙИЛЛАР ИЛГАРИ ДАФН ЭТИЛГАН. ШУНДАН БЕРИ ШАЙХ ЗАЙНИДДИН БОБОНИНГ САЙИИД ОРИФХЎЖА ЭШОН (1840-1922)ГАЧА БЎЛГАН АВЛОДЛАРИНИНГ ҲОКЛАРИ АНА ШУ УЛУҒВОР МАҚБАРА АТРОФЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН.

Шайх Зайниддин бобонинг ҳозирги авлоди вакилларидан бири бўлмиш файласуф, профессор Омонулла Саййид Файзуллахўжа ўғлининг ёзишича бундан саккиз юз йил муқаддам Хоразмда яшаган, кейин Шошга келган Шайх Шаҳобиддин Умар Абу Ҳафс Суҳравардий Шайх Зайниддин бобонинг падари бузруквори эди. Шайх Шаҳобиддин Умар Суҳравардий (1144-1234) Эроннинг Суҳравард шаҳрида зиёли оилада туғилиб, бошланғич таълимни олган, кейин эса Ироқнинг Бағдод шаҳрига бориб, уйли-жойли бўлиб, бу ерда 50 йил яшаб, шайхлар шайхи даражасига кўтарилган. Ул буюк зот буткул Шарқ мусулмонлари оламида илму маърифда машҳур орифлардан бўлиб, 20 дан ортиқ асарлар қолдирган. Кенг оммага тарқалган асарларидан "Авориф ул-маориф" ("Маърифатли орифлар") жаҳондаги жуда кўп тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилган. Асар 63 бобдан иборат бўлиб, асосан тасаввуф, одобахлоқ, руҳий тарбия амалиётларига бағишланган. Китобда: "Нопок одам билимдон бўлолмайди. Илм оддий – дунёвий ва олий илоҳий бўлади. Оддийси—гўё сут, олийси—қаймоқ. Қаймоқ сутсиз бўлмайди. Сутдаги сув—тана, қаймоқдаги ёғ—руҳдир. Ақл илмидан қалб илми юқорироқдир... Ақл – юксак руҳнинг жавҳари. Руҳдан ақл руҳи чиқади, ақл нурида эса барча билимлар шаклланади" каби фалсафий фикрлар мавжуд. Қисқасини айтганда Шайх Шаҳобиддин Умар Абу Ҳафс Суҳравардий фалсафа илмида суҳравардия тариқатининг асосчиси – буюк мутасаввуф-файласуф йирик олим сифатида машҳурдир. Маълумки, Суҳравардия тариқати Яссавия, Кубравия, Нақшбандия ва бошқа тариқатлар қаторида барча мусулмон мамлакатлари халқлари онгига сингиб кетган ахлоқий, диний ҳам дунёвий илмий қарашдир.

Шайхлар устози бўлмиш Шайх Шаҳобиддин Умар Абу Ҳафс Суҳравардий Шошга келганларида ул зотнинг икки фарзандлари: Шайх Имомиддин ва Шайх Зайниддин исмли ўқимишли ўғиллари бўлган. Айниқса, Шайх Зайниддин кўкчаликларга маърифат илмини тарқатишда жуда ёқиб қолади. Кўкчанинг Оқилон (Оқиллар) маҳалласида Дарё Дилбекач исмли оқилага уйланиб, Саййид Шайх Алоуддин, Шайх Тожиддин каби фарзандлар кўрадилар. Оқила Дарё Дилбекач ойим эса, маҳалла атрофидаги аёлларга сабоқ бериб, саводли қилади. Шайх Зайниддин бобо маҳалла яқинидаги Чиллахонада падари бузруквори асарларини ва бошқа диний китобларни мутолаа қилиб, шогирдлар орттиради. Ул зот Шошга келгунига қадар бу Чиллахонада кўкчалик оқиллар қиш, ёз чиллаларини қандай келаётганини кузатишиб, атрофдаги деҳқонлару чорвадорларни об-ҳаводан хабардор этарди. Шайх Зайниддин бобо Чиллахонада чилла ўтириб, диний билимларни мўмин-мусулмонлар ва уларнинг фарзандларига чуқур ўргата бошлайди. Шунингдек, падари бузрукворидан олган сабоқларини ривожлантириш мақсадида зоҳидлик илмини кенг ёйишга жиддий қарарди, комил-етук инсонни тарбиялашга зўр эътибор беради. Шу боисдан бўлса керак, ул зотнинг барча авлодлари Фарғона, Шош, Самарқанд ҳамда Дашти Қипчоқ ва бошқа жойлар шаҳар, қишлоқлари атрофларидаги одил-ҳукмрон, адолатли қозикалон бўлиб хизмат қилиб келганлар. Диний билимлар, айниқса тасаввуф илми сиру асрорларини ҳар тарафлама мукаммал ўрганган Шайх Зайниддин бобо кўйи Орифон Тошкандий 1259 йили 95 ёшда вафот этган. Ул буюк зот шажараларини тасдиқлаб, муҳр босган ҳукмронлардан айримлари ёзган қуйидаги гапларни ўқинг: "Ул – Саййидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг қароматлиси ҳам буюгидир". "Орифларнинг қутби ва ишончли раҳнамоси жаноб Шайх Зайниддин кўйи Орифон". Қисқаси, шажарада жами 44 авлоднинг исм-шарифлари келтирилиб, ҳаммаси юқори лавозимли кишилар томонидан тасдиқланган...

Шайх Зайниддин бобо кўйи Орифон мақбарасини Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари қаторида иззат-ҳурматини жойига келтириб қурдирган. То шу кунгача бир неча бор таъмирланиб, ҳатто, ёнидаги чиллахона, айвонли масжидларгача қайта ишлов берилиб, зиёратчилар учун мустақиллик шарофати билан очиб қўйилди. 1998 йили мақбара ёнида «Маккаи Мукаррама» номидаги Шайх Зайниддин бобо жомеъ масжиди қад ростлади.

Кўриниб турибдики, юртимизда авлиёлар ва уларнинг қадамжолари халқимиз томонидан ҳамиша эъзозланиб келинади. Зиёратчилар Ҳайит ва Наврўз байрами кунлари узоқ-яқин жойлардан келишиб, зиёрат қиладилар.

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Муҳаббат мулкина ким бўлса восил,
Бўлур ул маъно ичра пири комил.
Муҳаббат мулкини изла одам ичра,
Уюб қолма бу олам ичра ғофил.
Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

Гар табассум айласанг гулшандаги
гуллар аро,
Лабларингнинг рангига гул
барги хандон ўхшамас.
ҲУВАЙДО

Яширин тутилган севги,
Айрилган кун билинар.
Оғриқ кўзни беркитма,
Ёши ошкора қилар.
Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Ўзинг биродар кўнглини билмоқ истасанг,
Сўз билан ғазабини келтир ва
қовоғингни сол.
Сени севиши, севмаслигини
билайин десанг,
Севимлироқ нарсасини сўра,
дарҳол тушунилади.
У бу икки нарсага қовоғини солмаса,
Ушбу кишини жон билан тенг тутиш керак.
Юсуф Хос ҲОЖИБ

ҲИКОЯТ. Айтишларича, Лайли ишқ ва ҳуснда машҳур бўлиб кетгач, ўша давр подшосининг кўнглида уни кўриш истаги туғён уриб, шунча гап-сўзга сабаб бўлган Лайлининг жамоли қандай эканини билмоқ истади. У Лайлини кўргач, ҳафсаласи пир, хилватга равона бўлди ва яқинларига қараб: «Лайли чиройли эмас экан, Мажнуннинг унга шунчалик мафтун бўлишининг боиси нима?» деди. Улар «Лайлининг гўзаллигини пайқаш учун унга Мажнуннинг кўзи билан боқиш керак!» деб жавоб беришди.

ХУРРАМИЙ

Табибо, сен даво топмакни
қилма ихтиёр ким,
Муҳаббат дардига ҳеч кимса
топкан йўқтур дармони.
УВАЙСИЙ

Ёр айласа ёри бирла ифтор,
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат.
НОДИРА

Севгининг кўзи кўр.
«ОТАЛАР сўзи»

Тиламагил жаҳондин нўшдору,
Асалнинг таъми чун орқамда йўқтур,
Вафо излама ҳар мужримдин, эй дўст,
Вафо ҳоли чун ҳар мужримда йўқтур.
Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

Ваъдага вафодорлик иймондандир.
ҲАДИС

Ишқ ўти ҳар ердаки урса алам,
Билки қилур жумла вужудни адам.
Ишқ жон мулкида султон эрур,
Шоҳу гадо анга чу яксон эрур.
ДУРБЕК

Ҳувайдо, ҳар ишеки бемашаққат
бўлмагай ҳосил,
Машаққат тортмагунча ёр васлига
етиб бўлмас.
ҲУВАЙДО

Ғофил эллар ошиқ ўла билмади,
Ишқким манинг бикин нодон тилар.
Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

Улусқа раҳм этиб ғамхўр бўлғил,
Ҳамиша шоду бархурдор бўлғил.
ХОРАЗМИЙ

Ошиқ эрсанг, кеч бу шондин, алвидо,
Жону дилдин, хону мондин, алвидо.
САЙЁДИЙ

Гадони шоҳ қилур, шоҳни гадо ишқ.
САЙҚАЛИЙ

Аюр: ишқ бирла тирик ушбу олам,
Агар ишқ бўлмаса бўлмас эрди одам.
ҚУТБ

Умрингнинг баҳорида муҳаббатни суғорғил,
Кўз мардумининг гиряси борони ғанимат.
УВАЙСИЙ

Агар бўлсанг висолин гадойи,
Муяссар бўлса, бўлмағил жудойи.
САЙЁДИЙ

Ишқ ўти ҳам кимда бўлса
нолаю фарёд этар,
Булбули бонолаям, оҳу фиғони тушди ўт.
УВАЙСИЙ

Деманг тарки ишқини қил ихтиёр,
Бу ишда менинг ихтиёрим қани.
БОБУР

Бузма ошиқ кўнглини, биллаҳки,
ишқ атворида,
Ҳеч журм аҳли муҳаббат кўнгли
озорича бор.
Ҳусайн БОЙҚАРО

Жаҳонда жаврлар ошиқ учундир,
Вале, билгил, алар лойиқ учундир.
МАЖЛИСИЙ

Ҳазар қил, кўп жафо қилма, эй ҳур,
Ки ошиқ аҳлининг оҳи ёмондур.
Кечасиз рўз бўлмас, шодсиз ғам,
Равиши даҳр илан бу ҳола одам.
САЙҚАЛИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ALP JAMOL C» қўшма корхонасига 2005 йил 30 ноябрда берилган 4544/2005 сонли ер ижара шартномаси кадастри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг: 78-57-51, 173-03-99

Анжуманлар

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

ОИЛА – МУҚАДДАС ГЎША, ЖАМИЯТНИНГ КИЧИК БИР БЎЛАГИ. ЗЕРО ОИЛА МУҲИТИ ҚАНЧАЛИК МУСАФФО БЎЛСА, УНДА ТАРБИЯ ТОПГАН ФАРЗАНДЛАР ҲАМ ШУНЧАЛИК ПОК ВА БЕҒУБОР БЎЛАДИ. МИЛЛАТ ДАВОМЧИЛАРИНИНГ ГЎЗАЛ АХЛОҚЛИ, МАЪНАН ВА ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ УЧУН УЛАР АВВАЛО ОИЛАДА ТЎҒРИ ТАРБИЯЛАНИШИ КЕРАК.

Юртбошимиз Ислом Каримов ҳам таъкидлаганларидек, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда давлатимиз томонидан фарзандлар келажаги, халқимиз саломатлиги йўлида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими, ЖАР спорт- соғломлаштириш мажмуи, Тошкент шаҳар «Меҳри» аёллар жамияти, Ғ.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи каби қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида 2001 йилда «Оила – муқаддас ватан» ёш оила қурувчилар мактаби ташкил этилиб, ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Куни кеча Оила маросимлари маркази қошида ташкил этилган жамоатчилик асосидаги ёш оила қурувчилар мактабининг 5-ўқув йилининг навбатдаги машғулоти ёшлар, таниқли шоира ва шифокорлар давра сида кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ходими Шоиста Ширинова 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили, Республика Хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси, шоира Зулфия Мўминова «Маҳр ва тўйдан олдинги тиббий кўрик», тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Назира Шайхова «Камқонлик касаллиги ва унинг олдини олиш усуллари» каби қатор мавзуларда фикр юритдилар.

— Мақсадимиз оила қурувчи ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий саводхонлигини оширишдир, — дейди биз билан суҳбатда Никоҳ ва оила маросимлари маркази директори Марҳамат Йўлдошева. – Оиланинг муқаддаслиги миллий урф-одат ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилиб, амалдаги қонунлар, фуқаролик ва Оила кодекслари, қарор ва дастурлар бўйича тушунчалар бериб, бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, турмуш қийинчиликларини бартараф этишга ўргатиш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш асосларини тушунтириб боришдир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, мактаб тингловчилари балоғат ёшига етган ҳамда оила қуриш учун ФҲДЁ органларига ариза берган ёшлардан иборат. Машғулотлар давомида етакчи ҳуқуқшунослар, руҳшунос, социолог-олим, тиббиёт ходимлари ва бошқа соҳага оид мутахассислар Адлия бошқармаси томонидан тасдиқланган махсус йиллик режада белгиланган мавзулар асосида маъруза, суҳбат, амалий машғулот, савол-жавоб, баҳс-мунозаралар ўтказадилар. Шунингдек, ибратли оила соҳибу соҳибалари, ёзувчи, шоир, санъат ва маданият арбоблари билан ҳам учрашувлар ташкил этилади.

Ўқув йили тугалланган барча тингловчиларга Адлия бошқармаси ва «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими томонидан сертификатлар, фаол ташкилотчи, маърузачи ва тингловчиларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилади.

Бўлиб ўтган учрашувда 2-юридик коллежи талабаси Алишер Мўминов, Нилуфар Давлатова каби қатор ёшларнинг баҳс-мунозарага бошловчи таклиф, қизиқарли савол-жавоблари давранинг янада жонли ўтишига хизмат қилди.

Ўйлаймизки, ёш авлод камолоти йўлида бўлиб ўтаётган бундай фойдали учрашувлар ўзининг ижобий натижаларини беради.

Азиза МУҲАМЕДОВА

Мулоҳаза

ҲУРМАТ ҚИЛСАНГ, ИЗЗАТ КЎРАСАН

— ОТАМНИНГ ҚИЛМИШИ ҲИҚИЛДОҒИМГА КЕЛДИ, ЭНДИ СУДГА БЕРМАСАМ БЎЛМАЙДИ.

— ЭСИНГНИ ЙИҒ, ОҒАЙНИ, ОТА-ОНАМИЗНИНГ ИШЛАРИНИ "РАЗБОР" ҚИЛИШГА БИЗ, ФАРЗАНДЛАРНИНГ ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ. "ОТА ҚАРҒИШИ"НИ ОЛГАН ФАРЗАНД ҲЕЧ ҚАЕРГА БОРИБ КЎКАРМАЙДИ.

Икки йигитнинг суҳбатига ихтиёрсиз равишда гувоҳ бўлиб қолганимдан бир томондан хижолат бўлган бўлсам, иккинчи томондан юрагимда симиллаб оғриқ турди. Кечагина қўшним куйиб-ёниб "ўғлим роса бўкиб ичиб келган эди, отаси билан гаплари қовушмай, жаҳл устида отасига қўл кўтарди», — дея юм-юм йиғлаган эди. Бу гапларни эшитиб негадир ўзимга келолмадим, хаёлимдан чиқаролмай қийналдим.

Бугунги воқеа эса...

Биз оилада етти фарзанд эдик. Отам Муслимбек ўғиллари Юсуфбек (охиратлари обод бўлсин) камтар, камсуқум, ҳалол меҳнат билан оиласини тебратган инсон эдилар. Биз уларнинг ҳеч қачон оғизларидан боди кириб шоди чиққанини, ичиб келиб тўполон қилганларини кўрмаганмиз. Биронтамизни уриб-калтаклаб, ҳақорат қилиб кўнглимизга озор бермаганлар. Шунинг учун бўлса керак, отажоним ёдимга тушганлари ҳамон кўзимдан ёш қуйилиб келаверади. Тасаввуримда аксарият оталар мана шундай гавдаланади.

Касбим тақозоси бўлса керак, кўча-кўйда, транспортда, жамоада, қаерда бўлмасин одамларни кузатиш одат бўлиб қолган. Айниқса, отабола, ака-ука, қайнона-келин ўртасидаги муносабатлар, адоқсиз жанжал, тушунмовчилик, суд-суд судралиб юришларни кўрганда тушкунликка тушиб, ўйга толаман. Отасини урган, судга бериб ҳақини талаб қилмоқчи бўлган ўғил, бир парча ер, ҳовли-жой учун ёқа бўғишаётган ака-укалар, онасидан қолган буюмларни талашиб юз кўрмас бўлиб кетаётган опа-сингилларнинг борлиги кимнинг хатоси, деган саволга жавоб тополмай қийналаман. Тарбиянинг қаерида оқсаяпмиз? Ота-она боласини ёшлигида ургандир, сўккандир, шунинг учун ҳам бола бемеҳр бўлиб ўсгандир, деган ўй билан ўзимни чалғитмоқчи бўламан.

Лекин... лекин дунёда боласини умуман урмайдиган, сўкмайдиган ота камдан-кам топилса керак. Ўғлингиз ёки қизингиз жуда ҳаддан ошиб кетганда беихтиёр уриб юборишингиз мумкин. Бугун урган бўлсангиз, ўша қўлларингиз билан эртага бошини силайсизку. Боласига қаттиққўл бўлган ота шундай тарбияласам эртага ўғлим эсли-ҳушли бўлиб вояга етар деб ўйлайди, ахир. Нега бугунги кунда оддийгина мана шу ҳақиқатни айрим фарзандлар ўйламай қўйди экан? Бўйи-бўйига тенг бўлган ўғлингиз сизга қўл кўтарса?

Одамзод кўтариши қийин бўлган иснод, хўрлик, маломат, миннат деган нарсалар бор. Жуда ёшлигимда маҳалламизда ноҳуш бир гап тарқалган эди. "Фалончини отаси оқ қилибди" деган. Ўғлини оқ қилган ота озгина вақтдан кейин ўзини осиб қўйган. Сабабини эса ҳеч ким билолмаган. Ким билсин, ота ўзига қўл кўтарган ўғлидан кўрган хўрликка, иснодга чидолмай шу ишни қилгандир. Ёки онда-сонда бўлса ҳам эшитиб қоламиз "Фалончи уйидан бош олиб чиқиб кетибди", "Қайнона-келин чиқишмагани учун ўғил уйдан кўчиб кетибди" деб.

Русларда "Ота-она танланмайди" деган яхши бир нақл бор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ота-онамиз бизни ёруғ дунёга келтирган, емай-едириб, киймай-кийдирган, бола-чақам деб барча ҳузур-ҳаловатдан, ўйин-кулгудан воз кечиб, кечаю-кундуз меҳнат билан бизни оёққа қўйган табаррук зотлар. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳурматларини жойига қўйишимиз, ширин сўзимизни аямаслигимиз керак. Тўғри, улар кексайган чоғларида инжиқ, касал, арзимаган нарсага аразлайдиган ёш боладай бўлиб қолишлари мумкин. Нега биз уларнинг кўнгилларини тополмай қолдик? Ахир фарзандларимизнинг туғилганидан бошлаб ҳар бир харкашасини "фил" бўлиб кўтарамизку. Ота-онамиз ҳам бизни худди шундай, ўзларидан кечиб вояга етказганлар. Буни унутиб қўймаяпмизми? — дея ўзимизга бир савол бериб қўяйлик.

Мақоламизни икки йигитнинг суҳбатидан бошлаган эдик. Бойибона уларга бир гап айтгимиз келди: "Эй биродар, ота-онангиз давлатингиз, ғаниматингиз. Сиз уларга "қуллик» қилманг, лекин қуллуқ қилиб яшанг. Улар кексалик, касаллик туфайли тушунмай "хато" қилаётгандирлар. Лекин сиз ўша "хато"ларни кўрмай, иззатларини жойига қўйиб, кўнгилларига озор бермай яшанг.

Бу ўткинчи, алдамчи дунё. Ҳар бир ишимизнинг савол-жавоби бор. Умид билан ҳар биримиз фарзанд ўстираяпмиз, қилмишларимиз эртага қайтмасин, эсимиз борида этагимизни ёпайлик. Қариганда "феъли тор" бўлиб қолган ота-онамизга биз "кенг" бўлиб жавоб берайлик. Уларнинг кўзларига зинҳор-базинҳор тик қарамайлик.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 491- СОНЛИ ҚАРОРИДА ТАСДИҚЛАНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЭКОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМДА ҚУРИЛИШНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ АЖРАТИШ ЛОЙИҲАОЛДИ ВА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИ ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИДАН ЎТИШИ ЛОЗИМЛИГИ КЎРСАТИЛГАН.

Лойиҳа

ҲУЖЖАТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Шунга асосан, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан қурилишга ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинишидан олдин лойиҳаолди ҳужжатларининг тўлиқ экологик экспертизага жалб этилишига катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган 2005 йил давомида 170 та объектни муҳитга таъсирини баҳолаш материаллари бўйича Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш экологик экспертизасини хулосалари тайёрланган. Ушбу кўрсатгич январь ойида ўсишга эришилди. Ер участкаларини ажратиш жараёнида буюртмачилар томонидан атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, экологик экспертизага тақдим этилди, яъни қурилиши мўлжалланаётган объект лойиҳасида ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш миқдори ва таркиби, чиқиндилар миқдори ва уларни жойлаштириш, қайта ишлаш бўйича чора-тадбирлар бўйича маълумотлар берилиб, улар эксперт мутахассислари томонидан чуқур ўрганилиб чиқиляпти. Шу асосда экологик экспертиза хулосалари тайёрланмоқда. Бундан кўзланган мақсад объектларни фаолият кўрсатиш, унинг атроф-муҳитга бўлган зарарли таъсирини камайтириш, экологик мувозанатни сақлаб қолиш, атроф-муҳит ҳолатининг салбий ўзгартиришига йўл қўйилмасликдан иборатдир.

Ш. ҲИДОЯТОВ,
Экспертиза бўлимининг
Бош мутахассиси

ОДАТДА ОДАМНИНГ КЎКРАК-ҚУРСОҚ ПАРДАСИ ТИРИШИБ ҚИСҚАРИШИ НАТИЖАСИДА ФАВҚУЛОДДА КУЧЛИ НАФАС ОЛИШ, НОХУШ ҲИҚИЧОҚ ТУТИШИ КУЗАТИЛАДИ. ЯНА ҲИҚИЧОҚҚА ДУЧОР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ҚАТОРИГА ТЎЙИБ ОВҚАТЛАНИШ, ТАНА ҲАРОРАТИНИНГ ПАСАЙИБ КЕТИШИ, БЕҲАД ҲАЯЖОНЛАНИШ, АЛКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАР ИЧИШ КАБИ ҲОЛАТЛАР САБАБЧИ БЎЛИШИ МУМКИН. МАБОДО ОДАМ БОТ-БОТ ҲИҚИЧОҚ АСОРАТИДА БЎЛСА, БУ БИР ХАСТАЛИКНИ ИШОРАСИ БЎЛИБ, ШИФОКОР ТОМОНИДАН ТАШХИС ҚЎЙИЛИШИ МУМКИН. БИЗ ҚУЙИДА НОХУШ ҲИҚИЧОҚДАН ХОЛИ БЎЛИШНИНГ БЕОЗОР СИНАЛГАН УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА ТЎХТАЛИБ ЎТАМИЗ.

Биласизми?

ШУНДАЙ УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАНГ

● Ҳиқичоқ тутиши билан бир неча қултум муздек сув ичилса ҳиқичоқ тўхтайди.

● Ҳиқичоқ тутганда чуқур нафас олиб, бир дақиқа нафас чиқарилмай турилса, ноҳуш ҳолатдан холи бўлинади.

● Ҳиқичоқ тутганда оғизга бир чақмоқ қанд солиб шимиш тавсия этилади.

● Ҳиқичоқни тез қолдирадиган қуйидаги хонаки амалдан ҳам фойдаланиш мумкин. Чой қошиғи учида хантал(ҳардал, горчица) кукунидан олиниб, унга ошхона сиркаси аралаштирилиб тилнинг учдан бир қисмига суртилади. Шунда ҳиқичоқ тутиши тўхтайди.

● Ҳиқичоқ тутганда нафасни чиқармай туриб икки қўлнинг жимжилоқларини бош бармоқ учларига текизиб ҳалқалар ҳосил қилинади. Кўрибсизки ҳиқичоқ тутиши тўхтайди.

● Ҳиқичоқ тутиб қолганида нафас чиқармай туриб икки қўл панжаларини орқа тарафдан туташтириб турган ҳолда столда турган пиёладаги сувдан бир неча қултум ичилса кифоя.

● Бирдан ҳиқичоқ тутиб қолса, бирорта киши унинг икки елка орасини кафти билан шапатилаб қўйиши ҳам маълум даражада фойда беради.

● Мабодо кишини тез-тез ҳиқичоқ қийнайдиган бўлса, 15 грамм қайин куртагини ярим литр аракка солиб тиндириб қўйилади, ҳиқичоқ тутганида ана шу тиндирмадан 15-20 томчисини сувга томизиб ичилади.

● Ошхона сиркасига шимдирилган бир бўлак қандни тезлик билан чайнаб ютиладиган бўлса, ҳиқичоққа хотима беради.

● Уй-хонадон шароитида тоғрайҳон мойини тайёрлаб қўйиш ҳиқичоқ исканжасидан озод қилувчи беозор даволардан ҳисобланади. Бунинг учун бир қисм майда тўғралган тоғрайҳон ўтини ярим литр зайтун ёки кунгабоқар мойига солиниб 8 соат давомида тиндириб қўйилади. Сўнгра дока воситасида сузиб, сиқилади. Тайёрланган тоғрайҳонли мой билан ташқи томондан бўйингга суртилади ёки чуқур нафас олиб ҳидлаш керак, ёхуд 2-3 томчидан кунига 3 маҳал ичиладиган бўлса, ҳиқичоқ ҳуружидан бутунлай озод бўлинади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим

Бокс

ЎТКИРБЕК — ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

ЖОРИЙ ЙИЛДА ҚАТАР ПОЙТАХТИ ДОҲА ШАҲРИДА ЎТАДИГАН ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИ ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА.

Маълумки, Дохада уюштириладиган Осиё ўйинларида спортнинг бокс тури бўйича мусобақалар ҳам ташкил этилади. Мутахассислару мухлисларнинг эътироф этишларича бокс беллашувларида совринли ўринларга айнан мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари даъвогарлик қилишади. Қитъамизнинг ушбу нуфузли турнири олдидан Бангкок шаҳрида бокс бўйича Таиланд қироли кубоги турнири ўтказилди. Жаҳоннинг 20 га яқин мамлакатидан келган 108 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борган ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларига омад қулиб боқди. Унда иштирок этган Афина Олимпиадаси бронза медали совриндори, жаҳон ва Осиё чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, олтин медаль эгасига айланди. Финалда суриялик номдор боксчи устидан ишончли ғалабани қўлга киритган Ўткирбек мутахассислару мухлисларда катта таассурот қолдирди. Турнирда қатнашган андижонлик Баҳодир Султонов ва фарғоналик Дилшод Махмудов кумуш медални қўлга киритишган бўлса, тошкентлик Жасур Матчонов бронза медали билан кифояланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

МУҲИМИ – МЕЪЁРГА РИОЯ ҚИЛИШ

14 АПРЕЛЬ, ЖУМА
ТЎЛИН ОЙ КУНЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН БУГУН АДОЛАТ, МУТАНОСИБЛИК ҲАМДА АСТРАЛ ВА ЖИСМОНИЙ ТАНА УЙҒУНЛИГИ ҲАММА НАРСАНИ БЕЛГИЛАЙДИ.

Ана шу мутаносиблик ва уйғунликнинг ҳар қандай бузилиши тана ичида тиклаб бўлмас жараёнларга олиб боради. Бақир-чақир, беписанд хатти-ҳаракатлар шу куни истисно қилиниши керак. Осойишталикка риоя этиб, ҳеч қандай бегона қилмишлар билан ички хотиржамлик ва қалб тинчлигини бузмаслик даркор.

Куннинг асосий шиори - ҳар нарсада ва ҳар ишда меёрга риоя қилиш. Бугун ҳар қандай инжиқликлар ва ғийбатлардан нарироқ бўлиш талаб этилади. Мунажжим Света День бугунги кунни яхшиси уйингизга, уйдаги таъмирлаш ва бошқа майда-чуйда ишларга бағишлашни маслаҳат беради. Умуман олганда, ҳар биримиз ўз ички оламимизни ўзгартиришимиз керак экан. Барча нохушликлар аслида ана шундан келиб чиқаётган экан.

Ҳар қандай жарроҳлик операцияларини бошқа кунга қолдиринг. Суяклар ва бўғимларингизни эҳтиёт қилинг, жароҳатлардан ўзингизни асранг. Шамоллаш жараёнлари бугун зўрайиши эҳтимоли бор.

Кийимлардан ёрқин бўлмаган кулрангга яқин туслар мақбулроқ. Оч яшил ва оч кўк рангли кийимларни кийишингиз мумкин. Жуда ялтироқ ранглардан, қизил ҳамда зарғалдоқранг, айниқса қора рангли либослардан узоқроқ бўлинг.

КЕЧА
«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИГА ТАШРИФ БУЮРГАН МУХЛИСЛАР ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ «ПАХТАКОР» — «ФУЛАД» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ГУРУҲ БАҲСИНИНГ ГУВОҲИГА АЙЛАНИШДИ.

Футбол

«ПАХТАКОР» — ГУРУҲДА ПЕШҚАДАМ

Айтиш жоизки, Осиё чемпионлар лигасининг «А» гуруҳида ўтказилган икки тур натижаларига кўра Эроннинг «Фулад» жамоаси тўрт очко жамғариб биринчи ўринда, пахтакорчилар уч очко билан иккинчи ўринда боришаётган эди. Дарвоқе, тошкентликларнинг моҳир ҳужумчиси Анвар Солиев миллий чемпионатнинг бешинчи турида жароҳат олганлиги боис ҳужум чизиғида жиддий муаммо вужудга келганди. Бош мураббий Непомняший «Фулад» билан кечадиган учрашувга қуйидаги футболчиларни жалб этди: Нестеров, Аликулов, Жепаров, Тожиев (Уче), Абдуллаев, Клецков, Кирьян, Иномов, Пономарёв (Раҳимов), Копадзе, Суюнов. Тезкор, ҳужумкор ўтган беллашувда пахтакорчиларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Агар футболчиларимиз яратилган имкониятлардан унумли фойдалана олишганида «Пахтакор» йирик ҳисобда ғалаба қозониши мумкин эди. 90 дақиқа мобайнида хавфли ҳужумлар билан меҳмонлар ҳимоячиларини анча шошириб қўйган «Пахтакор» футболчилари учрашувда 2:0 ҳисобидаги муҳим ғалабани қўлга киритишди. Мухлисларга қувончли лаҳзаларни ҳадя этган голларни дарвозага Тожиев ва Жепаров йўллашди.

Шундай қилиб ўтказилган учта учрашувдан сўнг «А» гуруҳида «Пахтакор» 6 очко билан биринчи ўринга кўтарилиб олди.

Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги беллашувлари май ойида бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6